



## ПРЕЗИДЕНТ ВЕНГРИЯГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Президент Қасим-Жумарт Тўқаев 20-21 май кунлари Венгрияга ташриф буюришини маълум қилди.

– Президент Қасим-Жумарт Тўқаев Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитида иштирок этиш учун 20-21 май кунлари Венгрияга боради, – дейилади хабарда.

Ўзингизда бўлса, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий саммити жорий йил 20-21 май кунлари Венгрия пойтахти Будапештда ўтади. Унда ташкилотга аъзо мамлакатлар – Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон президентлари иштирок этишади. Илк бор ташкилот тарихидаги норасмий саммит кузатувчи мамлакат худудида ўтади.

Kazinform.kz дан олинди.

## ҚОЗОҒИСТОН ЖАҲОН БОЗОРИДАГИ АСОСИЙ ДОН ЭКСПОРТЧИСИ

2024-2025 йилларнинг сентябрь-апрель ойларида дон эквивалентида дон ва ун етказиб бериш қарийб 10 миллион тоннага етди ва ўтган мавсумга нисбатан 37,4 фоизга сезиларли ўсишни кўрсатди.

Йиллик юк ташиш ҳажми ўртача 7-8 миллион тоннани ташкил этади.

Ўтган йили ғаллакорлар рекорд даражада ҳосил кўтарди, бу экспорт имкониятларини сезиларли даражада оширди: Қозоғистон йил охиригача мамлакат ташқарисига 12 миллион тоннага яқин дон жўнатиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Азат Султановнинг таъкидлашича, ноанъанавий бозорларга чиқиш орқали ғалла экспорти географияси кенгайтирилгани мавсумдаги асосий ютуқ бўлди.

“Юқори ғалла ҳосили қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг фаоллиги янги экспорт йўналишларини очишга туртки бўлди. Беш йиллик танаффусдан сўнг Озарбайжон, Грузия ва Туркияга дон етказиб бериш яна йўлга қўйилди. Италияга бугдой жўнатиш ҳажми ортмоқда. Бугунги кунда Қозоғистон Бельгия, Польша, Португалия, Норвегия, Буюк Британия каби Европа бозорларига экспортни йўлга қўйган. Марокаш ва БААдан харидорлар ғалламизга қизиқиш билдирмоқда”, дейди Азат Султанов.

Май ойининг охиригача Озиз-оғакт корпорацияси Марокаш дастлабки 60 минг тонна бугдойни жўнатишни якунлайди. Вьетнамга 15 минг тонналик доннинг синов партиясини етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган.

Анъанавий савдо бозорларига келсак, юқори экспорт фаоллиги мавжуд. Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон, Туркия ва Хитойдан 2024-2025 йиллар сентябрь-апрель ойларида дон эквивалентида дон ва ун импорти ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада ошди:

- Ўзбекистон – 2,6 миллион тоннадан 3,3 миллион тоннагача (+28%)
- Тожикистон – 807,4 минг тоннадан 1,2 миллион тоннагача (+44%)
- Қирғизистон – 116,6 минг тоннадан 278,1 минг тоннагача (2,4 марта)
- Эрон – 54 минг тоннадан 889 минг тоннагача (16 марта)
- Озарбайжон – 5 минг тоннадан 569 минг тоннагача (113 марта)
- Афғонистон – 202 минг тоннадан 270 минг тоннагача (+34%).

Қозоғистон сўнги беш йил ичида биринчи марта Эрон ва Озарбайжонга дон жўнатишини тиклаб, етказиб бериш ҳажмини ўн бараварга оширди.

Хитой ўсимлик маҳсулотларига алоҳида қизиқиш билдирмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ўсишига қарамай, қўшни мамлакатда Қозоғистоннинг озуқабон унига барқарор талаб сақланиб қолмоқда. Бу ғалла етиштирувчиларга қўшимча имкониятлар яратмоқда. 2024-2025 йиллар сентябрь-апрель ойларида Хитойга экспорт қилинган дон эквивалентида 1,8 миллион тонна дон ва унни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27 фоизга кўпдир.

Kazinform.kzдан олинди.



## ЗАРИНА ДИАС – ТУРНИР ЧЕМПИОНИ

Дунё рейтингда 318-ўринни эгаллаб турган қозоғистонлик теннисчи Зарина Диас Куруме (Япония) ITF W50 турнирида чемпион бўлди. Қозоғистонлик теннисчи финалда жаҳон рейтингда 288-ўринни эгаллаб турган япониялик Аяно Шимицу билан чемпионлик унвони учун кураш олиб борди.

Гарчи маҳаллий спортчи дастлабки ўйинда 2:0 ҳисобида олдинда бораётган бўлса-да, Зарина вазиятни ўзгартаришга муваффақ бўлди – 6:4.

Иккинчи босқичда ҳам Шимицу 2:0, 3:1 ҳисобида олдинга чиқиб олди. Аммо кейин Зарина ҳисобни оширди – 6:3.

Финал беллашуви 1 соату 24 қақиқа давом этди.

Шу тариқа Зарина Диас шохсупадан жой эгаллади.

Kazinform.kzдан олинди.

# Жанубий Қозоғистон

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 20 май, сешанба, №52 (3553).



Қозоғистон қишлоқ хўжалиги тадбиркорларига субсидиялар бериш амалиётидан босқичма-босқич имтиёзли кредитлар бериш усулига ўтмоқда. Ўтган йилги режага кўра, 2025 йилда бу мақсадга ажратиладиган маблағ миқдори 700 миллиард тенге (1,4 миллиард доллар) этиб белгиланган эди. Ҳозирги иқтисодий шароитда бу миқдор ўзгаришсиз қоладими?

Умуман, жорий йилда фермерлар қанча миқдорда имтиёзли кредит олиши мумкин? Қишлоқ хўжалиги техникаси лизингига қанча маблағ ажратилади? Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан расмий сўровга юборилган жавоблар асосида ушбу мавзу бўйича шарҳни тақдим этади.

**ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР УЧУН 700 МИЛЛАРД ТЕНГЕ АЖРАТИЛАДИ**

ҚР Президенти Қозоғистон халқига 2024 йили йўллаган Мақтубида агросаноат мажмуасини бевосита субсидиялаш усулидан имтиёзли кредитлар бериш усулига босқичма-босқич ўтиш бўйича топшириқ берган эди. Ўтган йили соҳани имтиёзли молиялаштириш ҳажми биринчи марта 580 миллиард тенгени (1,16 миллиард доллар) ташкил этди. Бу маблағлар деҳқонларга бевосита имтиёзли кредитлар бериш, фоиз миқдорларини пайсатириш ва форвард харидларига йўналтирилди.

Шунингдек, молиялаштиришнинг умумий миқдори ўтган йилги даражада сақланиб қолиши маълум қилинди. Таъкидлаш жоизки, бу қишлоқ хўжалиги тадбиркорларига имтиёзли кредитлар учун ажратилган маблағ мамлакат тарихидаги рекорд кўрсаткичдир.

“Жорий йилда имтиёзли кредитлаш ҳажми 700 миллиард тенге. Маблағлар 6 хил канал орқали тарқатилади. Шундай қилиб, кредитлар бевосита Аграр кредит корпорациясига, шунингдек, иккинчи даражали банклар, микромолия ташкилотлари, ҳудудий сармоя марказлари, кредит шерикликлари ва ижтимоий-тадбиркорлик корпорацияларига берилди. Давлат раҳбарининг топшириғига мувофиқ, 29 ноябрдан эътиборан мамлакатнинг барча ҳудудларида 2025 йилги экиш ишларини молиялаштириш учун аризалар қабул қилинди”, деб хабар беради вазирлик.

Бугунги кунда бу маблағнинг ярмидан кўпи деҳқон хўжалиқларига ўтказилди. Вазир Айдарбек Сапаров Хўкумат ййгилишида 6,1 минг фермерга 384,8 миллиард тенге ажратилганини маълум қилди.

**КРЕДИТ ГАРОВИ МИҚДОРИ ОРТАДИ**

Ўтган йили “кафолат дастури” жорий этилиб, деҳқонлар учун етарли гаровга эга бўлмаган ҳолда имтиёзли кредит олиш имконияти оширилди. Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар янада кучайтирилади.

“Кафолатлар бериш давом эттирилиб, жорий йилда баҳорги дала ишларига (БДИ) қарийб 250 миллиард тенге миқдорда кредитлар ажратилиб режалаштирилган. Ўтган йили баҳорги дала ишлари ва ўрим-йғим даврида “Даму” тадбиркорликини ривожлантириш жамғармаси” акциядорлик жамияти орқали кредитлар бўйича портфель кафолати механизми жорий этилди, бу эса кредит миқдорининг 85 фоизини кафилик билан қоплаш имконини беради. Таъминланган кредит шартномалари доирасида 94,2 миллиард тенге миқдорда кредит ажратилди, 80,1 миллиард тенгеге 401та кафолатлар берилди”, дейилади хабарда.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЛИЗИНГГА 200 МИЛЛАРД ТЕНГЕ АЖРАТИЛАДИ**

Ўтган йилнинг якуний маълумотларига кўра, Қозоғистонда 149,9 минг трактор, 38,7 минг комбайн, 5 минг экиш мажмуаси, 76,4 уруғ сепадиган, 219 мингга яқин тупроққа ишлов берувчи ва махсус техника мавжуд.

Охириги 8 йилда қишлоқ хўжалиги техникасини замонавийлаштириш даражаси икки баравардан зиёд ошди. Бирок, умумий кўрсаткич унчалик яхши эмас: 2017 йилда – 1,9%, 2024 йилда – 5,5%.

2024 йилда 7 йил муддатга йиллик 5 фоиз миқдори бўйича 120 миллиард тенгелик (240 миллион доллар) кенг кўламли имтиёзли лизинг дастури ишга туширилди. Уша йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, деҳқонлар 212,9 миллиард тенгеге 9887 дона техникани лизингга олди, бу 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 50 фоизга кўпдир.

Жорий йилда лизинг учун ажратилган маблағ ўтган йилга нисбатан 80 миллиард тенгеге кўп (200 миллиард тенге – 400 миллион доллар).

**МАБЛАҒЛАР 6 ХИЛ КАНАЛ ОРҚАЛИ ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ**

2024 йилда молиялаштириш миқдори 580 миллиард тенгени (1,16 миллиард доллар) ташкил қилганини айтди. Вазирлик маълумотларига кўра, “Кен Дала-1” орқали 140 миллиард тенге, “Кен Дала-2” орқали 181,5 миллиард тенге, форвард харидлари учун 40 миллиард тенге, “Имтиёзли лизинг” дастури бўйича 120 миллиард тенге маблағ йўналтирилган. Қайта ишлаш корхоналарининг айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли молиялаштириш дастури доирасида 35 миллиард тенге, бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан 63,5 миллиард тенге маблағ ажратилди.

Маблағлар 6та молиялаштириш канали бўйича тақсимланди: “Аграр несие корпорацияси” ХҲ, иккинчи даражали банклар, микромолия ташкилотлари, ҳудудий сармоя марказлари, кредит шерикликлари ва ижтимоий-тадбиркорлик корпорациялари.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Сўзоқ туманида “Сўзоқ – миллий маънавиятнинг асоси” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтди. Маданий-маърифий тадбирда давлатимиз тарихида муносиб ўрни бор туман – Сўзоқнинг тарихи ва бугунги куни, маданияти ва тарихий жойларининг илмий асоси чуқур муҳокама қилинди.

Анжуманда “Сўзоқ тумани: тарих ва маданият уйғунлашган маскан” номли янги китоб тақдироти ўтди. Тадбирда мамлакат ҳамда хорижлик таниқли тарихчилар, археологлар, маданиятшунослар ҳамда жамоат арбоблари иштирок этиб, маърузалар қилишди. Ўзбекистон, Қирғизистон каби қардош мамлакатларнинг олимлари ҳам маънавий алоқалар ҳақида фикр юритишди.

Тадбирни ҚР Парламенти Сенатининг депутаты Дархан Қидирли олиб борди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтаев Давлат раҳбари



Қасим-Жумарт Тўқаев Миллий курултойнинг “Адолатпарвар инсон – Ҳалол Меҳнат – Ҳалол даромад” мавзусидаги учинчи ўтиришида “Биз келажакка ишонч билан қадам ташлаш учун қадим тарихимизнинг кўламини кенг эканлигини тўлиқ ҳис этиб, маданий меросимизни асраб-авайлаб, уни тарғиб этишимиз лозим”, де-

ган сўзларига алоҳида тўхталиб ўтди. Туман ҳокими Мухит Турисбеков илк бор ўтказилаётган илмий-амалий анжуман туман учун улкан обрў эканлигини таъкидлаб, иштирокчиларга муваффақият тилади.

Аҳамиятга молик тадбирда Сўзоқ туманининг қадимий та-

рихий қадамжоларини вилоят сайёҳлик харитасига киритиш, инфратузилмани шакллантириш, тумандаги маданий меросларни ЮНЕСКО рўйхатига киритиш ҳақида таклифлар илгари сурилди.

## МУҲИМ МАСАЛАЛАР ХАЛҚ НОИБЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

Вилоят маслаҳатининг 2025 йилга мўлжалланган иш режасига мувофиқ, июнь ойида ўтадиган сессияда вилоят сафарбарлик тайёргарлиги, минтақавий муҳофаза ва фуқаро муҳофазаси бошқармаси раҳбарининг ҳисоботи тингланади.

Шу муносабат билан вилоят маслаҳати раиси Н. Абишовнинг буйруғи билан муваққат депутатлик комиссияси ташкил этилди. Муваққат комиссия ушбу бошқармага қарашли иккита муассасага ташриф буюриб, фаолияти билан танишди.

Вилоят маслаҳати раиси



Нурали Абишов, ижтимоий-маданий тараққиёт, давлат ҳуқуқи ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ҳамда депутат одоб-ахлоқи масалалари бўйича доимий комиссия раиси Алмас Салимов, вилоят маслаҳати депутatlари Қайрат Салибек,

Бахит Басимбек, Инара Намабаева, Талғат Садуовлар муассасаларнинг фаолияти билан танишди.

Туркистон минтақавий аскарга қақирилувчиларни тўплаш маркази ҚР Қуролли кучлари ва ҳарбий тузилмаларни

шақллантириш мақсадида вилоятнинг барча туманларидан 18дан 27 ёшгача бўлган ўсмирларни ҳарбий хизматчилар сафини тўлдирishга ҳисса қўшади.

Ушбу марказнинг янги биноси барча санитария ва ёнгин хавфсизлиги андазаларига мувофиқ жиҳозланган, кунига 100 нафаргача қақирилувчини қабул қилиш имкониятига эга.

Бинода ётоқхоналар, руҳий тестлар учун хона, тарбия ва ахборот хоналари мавжуд.

Ошхонада барча зарур жиҳозлар муҳайё, тиббий комиссия ва ҳарбий қисм вакиллари учун махсус жиҳозланган хоналар бисёр.

Бино тўлиқ интернет тармоғи билан таъминланган, темир йўл станциясига аскарга қақирилувчиларни ташиш учун махсус транспорт хизматда.

Қақирилувчиларни флюорография текширувидан ўтказиш учун мобил рентген ускунаси ишлаб турибди.

Депутатларга муассасаларни оралаш давомида қатор тақлифлар айтилди. Ушбу масалалар халқ ноиблари томонидан доимий комиссияда муҳокама қилиниб, сессияда кўриб чиқилади.

Туркистон вилоят  
маслаҳати.

## АНЪАНАВИЙ ТУРНИР ЎТДИ



спорт ва жисмоний тарбия бошқармаси раҳбари Ғалимжан Худияров, шунингдек, газета бош муҳаррири Абай Балажан иштирок этди. Сўзга чиқанлар мусобақа аҳамиятига тўхталиб, қозоқ курашини миллий ва халқаро даражада тарғиб этиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбия-

лашда мазкур тадбирнинг ўрни ўзгача эканлигини таъкидлади. Шунингдек, туман ҳоқими Арман Қарсибаев аънавий турнирнинг эстафетасини Ўтзор тумани ҳоқимининг ўринбосари Айдўс Қўлмахановга расмий равишда топширди.

Вилоят ҳоқимининг  
матбуот хизмати.

Шардара туманида қозоқ курашидан “Оңтустик Қазақстан” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси соврини учун ўтказилган аънавий 62- турнир ниҳоясига етди.

Вилоят даражасида уюштирилган йирик беллашувда минтақанинг туман-шаҳарларидан 9та жамоа – 106 нафар полвон иштирок этди. Турли вазн тоифаларидаги ғолиблар ва совриндорлар аниқланиб, тақдирланди.

Турнир доирасида гиламда энг кучли полвонлар беллашиб, қозоқ курашининг нуфузи ва моҳиятини яна бир бор намоён этишди. Туяполвон беллашувда 18 нафар ном-

зод омадини синди. Ғолиб спортчи шардаралик Қайсар Шамшидинов жорий йилги турнирнинг “Туяполвон” мақомига сазовор бўлиб, унга “Chevrolet Nexia” автомашинасининг калити топширилди. Иккинчи ўринни туркистонлик Бибарис Абдуғани, учинчи ўринни ўрдабасилик Мейрхан Бейсенали кўлга киритди.

Турнирнинг ёпилиш тантанасида Шардара тумани ҳоқими Арман Қарсибаев, вилоят



## ЗАМОНАВИЙ КИЧИК ТУМАН БАРПО ЭТИЛАДИ

Сайрам тумани маркази – Оқсувкент қишлоғидаги “Оқсув-2” аҳоли манзилида янги кичик туман барпо этиш режаланган. Мазкур лойиҳанинг туман учун муҳим аҳамияти ва унинг ижроси тўғрисида аввал ҳам маълумот берилган.

Шунга мувофиқ, туман ҳоқими Арман Сабитов қурилиш майдонига бориб, қатор лойиҳалар билан танишди. Режага мувофиқ, янги кичик туман замонавий қиёфа касб этиб, аҳоли учун барча қулайликлар яратилади. Бу ерда кўп қаватли уйлар, таълим ва соғлиқни сақ-

лаш муассасалари, маданият ва спорт иншоотлари, кўнгилочар масканлар қад ростлайди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Туман ҳоқими А. Сабитов лойиҳанинг аҳамиятига тўхталиб, ташаббус инфратузилманинг яхшилланиши ва янги иш ўринлари яратилишига замин яратишини айтиб ўтди.

Сайрам тумани  
ҳоқимининг матбуот хизмати.

## ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ ОЧИЛДИ

Тўлебий тумани Алғабас аҳоли манзилида «Шимкентцемент» МЧБ бизнеснинг ижтимоий масъулияти доирасида спорт мажмуасини барпо этиб, фойдаланишга топширди. Қурилиши 2023 йилнинг октябрь ойида бошланган ушбу иншоотга 88 миллион тенге сармоя жалб қилинди.

Спорт мажмуасининг очирилиш маросимида иштирок этган ҚР Парламенти Мажлисининг тўртинчи қақирқ депутат Саурбай Есжанов, туман ҳоқими Еркеғали Алимқулов, туман маслаҳати раиси Нурлан Қўйбағаров ва «Шимкентцемент» МЧБ директори Иван Пак аҳолини соғломлаштириш мажмуасининг очирилиш билан қутлади.

Туман ҳоқими Е. Алимқулов ўз сўзида эл-юрт равнақи учун шахсий маблағини сарфлаёт-

ганларга миннатдорчилик билан маросимда иштирок этган ҚР Парламенти Мажлисининг тўртинчи қақирқ депутат Саурбай Есжанов, туман ҳоқими Еркеғали Алимқулов, туман маслаҳати раиси Нурлан Қўйбағаров ва «Шимкентцемент» МЧБ директори Иван Пак аҳолини соғломлаштириш мажмуасининг очирилиш билан қутдирланди.

Тадбирда Тўлебий туманида оммавий спортни ривожлантириб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилаётган бир гуруҳ фуқаролар туман ҳоқими ва маслаҳати раисининг ташақкурномалари билан тақдирланди.

Вилоят ҳоқимининг  
матбуот хизмати.



## ЯССАВИЙ ҲИҚМАТЛАРИ – ИНСОНИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Маълумки, Давлат раҳбари Миллий Қурултойнинг Атиров шаҳрида ўтган учинчи йиғилишида: “Ҳожа Аҳмад Яссавий меросини чуқур ўрганиб, унинг тарғиботига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Аввало, ушбу масала юзасидан мамлакатимиз ва чет эл олимларини тақлиф қилиб, махсус анжуман ўтказиш керак”, деган эди.

Шу сабабли, кўҳна Туркистонда «Яссавий мероси давр ва маданият мулоқотида: гуманистик йўналиш ва замонавий таҳдидлар» халқаро анжумани ўтди.

Тадбирда ҚР Давлат маслаҳатчиси Ерлан Қарин, Маданият ва ахборот вазири Аида Балаева, ҚР Олий таълим вазири Нурбек Саясат, Халқаро туркий маданият ва мерос жамғармасининг Президенти Ақўти Райимқулова ҳамда элимиз ва Озарбайжон, Германия, Ҳиндистон, Эрон, Италия, Қирғизистон, Россия, АҚШ, Тожикистон, Туркменистон, Туркия, Ўзбекистон ва Япония элларидан юзга яқин таниқли олимлар иштирок этди.

Ўз навбатида, Ерлан Қарин Давлат раҳбарининг анжуман иштирокчиларига йўллаган табрик мактубини ўқиб, тадбир Яссавий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилишга юксак ҳисса қўишини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу йиғилишнинг аҳамияти ўзгача. Анжуманда XII асрнинг буюк мутафаккири, Ҳожа Аҳмад Яссавий меросининг турли жиҳатлари юзасидан илмий маърузалар тақдим этилди. Шулардан бири, миллий адабиётнинг буюк намояндаси Абай Ҳожа Аҳмад Яссавий таълимотидан сабоқ олганлигини ва унинг Абай асарларига кўзқарашлари ва гоъвий мазмуни Яссавий таълимоти билан уйғунлашганини таъкидлади.

Н. АБИШОВ,  
Туркистон вилоят  
маслаҳатининг раиси.

## ТОЗАЛИККА ҲАММА МАСЪУЛ

Тасдиқланган режага мувофиқ, Қазигурт туманида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли орасида экологик маданиятни шакллантириш ва дуч келган жойга ахлат ташлашга йўл қўймаслик мақсадида навбатдаги шанбалик уюштирилди. Тозалик тадбирида тумандаги турли ташкилотлар ходимлари, ёшлар, маҳаллий аҳоли иштироки таъминланди. Бу каби тадбирлар туманининг барча қишлоқларида уюштирилди.

Тозалик тадбирида кўчалар, истироҳат боғлари, жамоат жойлари чиқиндилардан тоза-



ланиб, дарахтлар тартибга келтирилди. Туман ҳоқими Азизхан Исмаилов ҳам шанбаликка қатнашаркан, тозалик ишларини мунтазам равишда ўтказиш зарурлигини таъкидлади.

Вилоят ҳоқимининг  
матбуот хизмати.

## ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БАРДАВОМ



Кентов шаҳрида “Тоза Қозоғистон” республика дастури доирасида махсус шаклда тозалик тадбири ўтди. Шаҳар ҳоқимлиги ташаббуси билан Ш. Улиханов кўчасидаги 176, 178, 180, 182, 184, 186, 188-уйларнинг ҳовлисида тозалик мусобақалари ўтказилди. Бу тадбир қўшниларнинг ҳамжиҳатлигини ошириш учун ёрқин ташаббус эди. Ҳар бир ҳовли аҳли ўз худудини ахлатдан тозалаб, ёввойи ўтлардан халос бўлишга ва атрофни ободонлаштиришга ҳаракат қилди. Хайрли ишда болалар ҳам фаол иштирок этишди. “Бир қоп ахлат – битта музқаймоқ” шиори остида улар ўз ҳаракатларини бирлаштирдилар.

Ҳовли ёшлари ва катталар ушбу ташаббуснинг муҳимлигини чуқур англаб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини амалда исботладилар.

Бундай тадбирлар Кентов шаҳрининг бошқа худудларида ҳам давом этади.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.


»» Мархабат БАЙҒУТ таваллудига 80 йил

# ҚОЗОҚ МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ ЁРҚИН НАМОЯНДАСИ

Қозоқ адабиётининг классик ёзувчиси, Туркистон вилоятининг фахрий фуқароси, Қозоғистонда хизмат кўрсатган арбоб, Халқаро “Алаш” мукофоти совриндори, “Қўрмет” ва “Парасат” орденлари, кўплаб медаллар соҳиби Мархабат Байғут ҳаёт бўлганда жорий йил 80 ёшга қарши олган бўлар эди. Афсуски, у 2022 йили 77 ёшида оғир хасталик туфайли вафот этди. Таъкидлаш жоиз, элнинг эҳтиромига сазовор бўлган атоқли ёзувчининг юбилей тантаналари Туркистон вилоят ва Шимкент шаҳар ҳокимликлари ташаббуси ва қўллови билан амалга оширилди.



Мархабат оғанин асарлари ўзбек китобхонларига ҳам яхши таниш. Адибнинг асарларини ўзбек ўқирманларига етказишда таниқли ёзувчилар Носир Фозилов ва Меҳмонкул Исломуқов, шунингдек, ҳамюрт ижодкорлар Абдирахим Пратов, Зокиржон Мўминжонов, Долимжон Сайфулло, Абдурауф Абдуғафоров, Баҳодир Оташ, Победа Абдазимова, Комилжон Солибековлар баракали ҳисса қўшишди. Жумладан, шу кунгача ёзувчининг ўзбек тилида “Ҳокимнинг аёли”, “Мосуво Журноқ”, “Ёлғиз турна” каби китоблари чоп этилган.



М. Байғутнинг 80 йиллик юбилейга бағишланган тадбирларнинг биринчи куни Туркистон шаҳридаги “Фараб” илмий-оммабоп кутубхонасида “Мақоми ўзгача Мархабат Байғут” мавзuida халқро анжуман билан бошланди. Тадбирни “Мархабат Байғутга 80 йил” лойиҳаси раҳбари, “Медиақратия” жамоат бирлашмаси раиси Ғалимжан Елшибай очиб, анжуманга Астана, Алмати, Шимкент шаҳарлари, Жамбил, Қизилўрда, Алмати вилоятлари, қўшни Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркиядан нуфузли меҳмонлар, давлат ва жамоат арбоблари, адабиётшунос олимлар, депутатлар ташриф буюрганини таъкидлади.

табригини ўқиб, адибнинг серқирра ижоди ҳақида маъруза қилди.

– “Мархабат Байғут ижодининг асосий хусусиятидан бири – ўзи яшаган замон ва макон ҳақида, одамлар ҳақида теран фикрлаш, бу ҳақда ҳаётий, содда, бироқ аслида чуқур, теран маъноли сўзлар билан ифода этишидир. Мархабат Байғут асарларида юртга муҳаббат, инсонга ҳурмат, ҳалоллик ва самимият биринчи ўринда туради. У “бадий сўз”ни қадрлайди, унинг ҳар бир нуқтасини ҳис этади. Шу боис ҳам унинг сўзи қалбга сингиб кетади.

Ҳозирги кунда ёшлар орасида ҳам Мархабат Байғут асарларини ўқиётганлар кўп. Бу – унинг ижоди миллий қадриятларга таянган, ҳақиқатни кўрсата олган ижод эканини исботлайди, – деди у.

Шунингдек, тадбирда сўз олган Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Керимхан Қадирахунов, Туркиядан келган профессор Жаммила Кинажи, филология фанлари номзоди Сандуғаш Қуланова, ҚР Миллий Фан-

лар академиясининг академиги Ўналбай Аяшев ва Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси котиби Жусупбек Қўргасбеклар М. Байғутнинг адабий фаолиятини юқори баҳоладилар.

Тадбир доирасида ташкил қилинган “Кийик ўтининг ҳиди сингган қалам” мавзuidaги кўргазмада ёзувчининг шахсий буюмлари ва ҳужжатлари, вилоятларда ўтказилган “Мархабат ўқувлари” танлови иштирокчиларининг лойиҳалари, шунингдек, ёзувчи асарлари асосида яратилган ижодий ишлар ҳавола қилинди. Анжуман иштирокчилари ёзувчи Н. Ўраз қаламига мансуб ёзувчи ҳаётига бағишланган “Мархабат” спектаклидан парча ва махсус суратга олинган ҳужжатли фильмини томоша қилишди. Шундан сўнг ушбу тадбир доирасида республика миқёсида талабалар ўртасида ўтказилган ижодий танлов ғолиблари ва совриндорларини ҳакамлар хайъати раиси Амирхан Мендеке, мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Мархабат ўқувлари” вилоят танлови ғолибларини эса

вилоят Маданият бошқармаси раҳбари Азимхан Қўлибаев махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирладилар.

Ўзбекистондан ташриф буюрган таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдош маърузасида М. Байғутнинг асарлари ўзбек китобхонларига ҳам яхши таниш эканини таъкидлади.

– Ёзувчиларнинг икки умри бўлади, – деди у. – Ижодкорнинг иккинчи умри унинг асарлари билан ўлчанади. Мархабат оғанин бандалик умри ўтди. Энди унинг қаламгерлик умри бошланди. “Мен ким эдим?”, “Менинг миллатим ким?” каби саволларга жавоб топиш учун М. Байғутнинг асарларини ўқиш керак бўлади. “Таупистели таълимоти” ҳаракатини бошлаганида у ўзини туркий олам миқёсидаги ёзувчи эканини кўрсатган эди. Унинг ташаббуси билан уюштирилган “Туркийлар тўри – Туркистон!” тадбири ҳам эзгу ишларга йўллади. Жумладан, туркийларни бирлаштиришда Мархабат оғанин гоялари, ёзганлари асқотмоқда. У киноя, ўткир мулоҳаза билан ёзади, уни ўқиган сари ўзининг тафтиш қилиши керак. “Ҳокимнинг аёли” ҳикояси Ўзбекистонда энг кўп ўқилган асарлар қаторида. Журналларда қайта-қайта босилмоқда. Унда ҳоким аёлининг уюшган жиноятига мубтало эканлиги жуда нозик дид билан очиб берилган. “Итнинг ҳуқуқи”, “Ғўзапоя” каби ҳикояларида қозоқ жамиятидаги муаммолар, иллатлар, ёвузликлар маҳорат билан кўрсатилган. Мархабат оғани ўқимоқ керак, ўқмоқ керак. Дарҳақиқат, у жамиятдаги муаммоларни нозик юмор билан кўрсатиб беради. Бу асарлар билан танишиб, қозоқ ўзини танийди, туркийлар ўзларининг илдизи бир эканини англайди...

Иккинчи куни адабий-маърифий тадбир Шимкент шаҳрида давом этди.

Ў. Жанибеков номли Жанубий Қозоғистон педагогика университетида “Адабиётнинг гўзал олами” мавзuida илмий-амалий анжуман уюштирилди. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Сарсен Қуранбек ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган мактубини ўқиб берди. Таниқли шоира Ханбиби Есенқараева, давлат ва жамоат арбоби Дархан Минбай, филология фанлари доктори, профессор Қулбек Ергўбеклар М. Байғут ҳақидаги хотиралари ҳақида гапиришди, шунингдек, турли мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбирнинг учинчи куни Тулкибош туманида давом этиб, “Таупистели таълимоти – IV” лойиҳаси доирасида “Мархабат Байғут ва турк олами адабиёти” мавзuida анжуман ўтди. Меҳмонлар дастлаб Мархабат Байғут ташаббуси билан 1995 йили асос солинган “Шерхан Муртаза ва Носир Фозил боғи”га ташриф буюришди. Бугунги кунда ушбу боғ қардош халқларнинг дўстлиги ва бирдамлиги рамзига айланган.

Ушбу тадбирлар ёзувчи ижодини ўрганиш ва тарғиб қилишдаги дастлабки қадамлардир. Зеро, келгусида серқирра адиб Мархабат Байғутнинг бой ижодий меросини ўрганиш борасида залворли ишлар қилиниши жоиз.

### З. МҮМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

**P.S.** Фаол обуначимиз Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, қарноқлик Долимжон Сайфуллаев адиб М. Байғутнинг бир неча асарларини ўзбек тилига маҳорат ила таржима қилиб, ўз ҳисобидан чоп эттирган. Уз навбатда адиб М. Байғут Д. Сайфуллаевнинг 50 йиллик юбилей кечасида шахсан иштирок этиб, самимий тилақларини изҳор этганлиги шонли тарих.

## “ДИЛШОД” РАҚС ВА ҚЎШИҚ ДАСТАСИ АСОСЧИСИ



### ЁКИ БУТУНИТТИҒОҚ ФЕСТИВАЛИ ЛАУРЕАТИ ТЎТИХОН ЗАЙНИШЕВА 70 ЁШДА

Минтақамиз санъати, маданияти раванқига муносиб ҳисса қўшган Тўтихон Зайнишева 1955 йили Бирлик қишлоғида Абдували ота ва Ойша она хонадонида туғилган.

Ўрта мактабдан сўнг Югнак қишлоғида клуб мудири бўлиб, санъат соҳасида меҳнат фаолиятини бошлади. 1972 йили “Дилшод” рақс-қўшиқ дастасини ташкил этди. “Победа” жамоа хўжалигида ўзбек халқ театрида ҳам меҳнат қилди. 1982 йили “Фарзанд деб” номланган спектаклда Ширин ролини ижро этгани учун Бутуниттиғоқ фестивали лауреати медали билан тақдирланган. Туркистон шаҳрининг 1500 йиллик юбилей тўйида ўзбек халқининг санъатини хорижлик меҳмонларга намойиш этди.

Тўтихон Зайнишева 30 йил бадалиди Югнак қишлоқ маданият уйи директори бўлиб, самарали меҳнат қилди. Умр йўлдоши Маърифжон ака (мархум) билан тўрт қиз, уч ўғил, 22 неварга, 15 эвара кўрган пири бадавлат оила соҳибаси. Иқтидорли қизи, нафақат ўзбек, балки қозоқ тилида ҳам қўшиқларни маҳорат билан ижро этадиган Зебинисо Абдалимова онаси изидан бориб, санъат соҳасида самарали меҳнат қилмоқда.

Тўтихон Абдували қизига мустаҳкам саломатлик, санъатда иқтидорли шогирдлар тайёрлаш борасида янги зафарлар тилаймиз.

**Жамшид ШАРАФИДДИНОВ,**  
Югнак қишлоғи УЭМБ раиси.

Суратда: Тўтихон Зайнишевани (ўртада) А. Югнакий номли мактаб директори Шўлпан Ахметова ва камини муборакбод этмоқда.

»» Саврон тумани

## “ҲҮЛЕС” ДАН 46-УЙ

Эски Иқон қишлоғида янги маҳаллалар ҳудудида Райимжон Қўчқоров раҳбарлик қилаётган вилоят “Ҳүлес” хайрия жамғармаси саъй-ҳаракатлари билан кам таъминланган оилага навбатдаги 46-уй фойдаланишга топширилди.



Ушбу тантана халқаро оила куни байрами билан бақамти келди. Уйни “Ҳүлес” бир неча йил муқаддам бунёд этган, жорий йил Рамазон ойдан кейин эса яна уч хона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хонадон соҳибаси, Суннатбек ва Мубика исмли фарзандлар онаси Гулзира

Алихон қизи ва унинг опаси Навбахор Тожибоевалар қисқа муддатда қурилишни тугаллаб, барча зарур жиҳозлар билан таъминлаган “Ҳүлес” хайрия жамғармасига самимий миннатдорчилик изҳор этишди.

Мовий тасмани вилоят ижтимоий тотувлик бошқармаси раҳбари ўринбо-

сари Ерназар Баётов, Эски Иқон қишлоқ округи ҳокими Ирисбек Ирисбековлар Расулов, ҳокимлик бўлим мудири Умсиной Маннопова, туркистонлик фаол тадбиркор Лазиз Тошбой ўғли, меҳнат фахрийси Мирзахон Ибрагимовлар қирқашди. Эски Иқон қишлоғи УЭМБ қошидаги оқсоқол-

лар кенгаши раиси Ирискул Аббосов қўлларини дуога очиб, шу хайрли ишга ҳисса қўшган, муҳтожларга уй қувончини ҳада этган ҳимматли тадбиркорларга саодат, барака тилаб, фотиҳа берди.

“Ҳүлес” раҳбари Райимжон Қўчқоров жорий йили яна тўртта уйни қуриб фойдаланишга бериш – жами бунёд этилган уйлар сонини элликкага етказиш режасини баён этди. Омад ёр бўлсин!

### Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: И. Аббосов ҳимматли тадбиркорларга дуо қилиб, омад тилади; янги уй тасмаси кесилди.

Муаллиф суратга олган.

## ТОШКЕНТДАН ҒАЛАБА БИЛАН...

10-18 май кунлари оралиғида Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳрида 64 катакли шашка бўйича жаҳон кубоги ўйинлари ўтди.

Унда Саврон туманига қарашли Янги Иқон қишлоғидаги «Янги Иқон» умумтаълим ўрта мактабининг 4-“А” синф ўқув-

чилари Маржонабегим Ирисбек (тасвирда) ҳамда Иззатбек Ирисбековлар муваффақиятли иштирок этишди.

Жумладан, 11 ёшгача бўлган қиз болалар ўртасида Маржонабегим Акажон қизи мазкур жаҳон кубоғида блиц йўналиши бўйича фахрли 2-ўринни

қўлга киритиб, медаль ва диплом билан тақдирланди.

Иззатбек Элмурод ўғли эса, шу ёшдаги ўғил болалар орасида фаол иштироки учун махсус сертификат билан тақдирланди.

**Акажон ИЗЗАТУЛЛАЕВ,**  
Муаллиф тасвири.



